

**ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.30.12.2019.F.01.05 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ

ОДИНАЕВА ЗЕБИНИСО ИБРОХИМОВНА

**ЎЗБЕК МИЛЛИЙ ИДЕНТИКЛИГИ АКСИОЛОГИК ТАМОЙИЛЛАРИ
ВА ҚОНУНИЯТЛАРИГА ФАЛСАФИЙ КОНЦЕПТУАЛ ЁНДОШУВ**

09.00.03 – Фалсафа тарихи

**ФАЛСАФА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD) ДИССЕРТАЦИЯСИ
АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2020

**Фалсафа фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по
педагогическим наукам**

**Contents of Dissertation Abstract of Doctor of Philosophy (PhD) on Pedagogical
Sciences**

Одинаева Зебинисо Иброхимовна

Ўзбек миллий идентиклиги аксиологик тамойиллари ва қонуниятларига фалсафий
концептуал ёндошув..... 3

Одинаева Зебинисо Иброхимовна

Философско-концептуальный подход к аксиологическим принципам и закономерностям
узбекской национальной идентичности.....25

Odinayeva Zebiniso Ibrokhimovna

Uzbek national identity based on philosophical-axiological principles and laws conceptual
approach..... 47

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works 50

**ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.30.12.2019.F.01.05 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ

ОДИНАЕВА ЗЕБИНСО ИБРОХИМОВНА

**ЎЗБЕК МИЛЛИЙ ИДЕНТИКЛИГИ АКСИОЛОГИК ТАМОЙИЛЛАРИ
ВА ҚОНУНИЯТЛАРИГА ФАЛСАФИЙ КОНЦЕПТУАЛ ЁНДОШУВ**

09.00.03 – Фалсафа тарихи

**ФАЛСАФА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD) ДИССЕРТАЦИЯСИ
АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2020

Фалсафа фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2020.4.PhD/FaL120 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Ўзбекистон Миллий университетида бажарилган
Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.avloniy.uz) ҳамда "Ziyonet" Ахборот таълим порталида (www.ziyonet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Мадаева Шахноза Омонуллаевна
фалсафа фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Раматов Жуманиёз Султонович
фалсафа фанлари доктори, профессор

Сафарова Нигора Олимовна
фалсафа фанлари доктори, доцент.

Етакчи ташкилот:

Тошкент давлат иқтисодиёт университети

Диссертация химояси Ўзбекистон Миллий университети ҳузуридаги DSc.03/30.12.2019.F.01.05 рақамли Илмий кенгашнинг 2020 йил «15» Июль соат 14⁰⁰ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100174, Тошкент шаҳри, Университет кўчаси, 4-уй. Тел.: (99871) 227-12-24; факс: (99871) 246-53-21, (99871) 246-02-24; e-mail: nauka@puu.uz Ўзбекистон Миллий университети Ижтимоий фанлар факультети биноси, 5-кават, 511-хона.)

Диссертация билан Ўзбекистон Миллий университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (112 рақам билан рўйхатга олинган.) Манзил: 100174, Тошкент шаҳри, Университет кўчаси, 4-уй. ЎЗМУ Маъмурий биноси, 2-кават, 4-хона. Тел.: (99871) 236-46-55; факс: (99871) 246-02-24.

Диссертация автореферати 2020 йил «29» Июль кuni таркатилади.
(2020 йил «29» Июль даги 111 рақамли реестр баённомаси.)



Н.А.Шермухамедова
Илмий даражалар берувчи
Илмий кенгаш раиси, фалсафа
фанлари доктори, профессор

У.А.Маҳкамов
Илмий даражалар берувчи
Илмий кенгаш илмий котиби,
фалсафа доктори (PhD)

Г.Т.Маҳмудова
Илмий даражалар берувчи
Илмий кенгаш қошидаги илмий
семинар раиси, фалсафа фанлари
доктори, профессор

Кириш (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳонда глобаллашувнинг кескин паллага ўтиши билан бошланган учинчи минг йиллик бўсағаси дунёда рўй берган туб ижтимоий, сиёсий ва иқтисодий ўзгаришлар турли мамлакатлар, халқлар ва маданиятларнинг ўзаро боғлиқлиги ҳамда уларнинг зарурий, мажбурий алоқадорлиги янада кучайди. Бу глобаллашув феноменининг XXI асрда ижтимоий жараёнларни бошқариш, тартибга солишдаги функцияси асосида янги шакл ва институтларнинг вужудга келиши билан изоҳланади. Миллатларнинг миллий заминларга бўлган интилишлари ошиб, миллий ўзликни англаш жараёнлари кучайиб борган сари, айти пайтда миллатларнинг онги ва қалбини эгаллаш, миллий ўзликни англашини заифлаштириш ҳамда шу йўл билан уларни ўз ғоялари ва маънавиятлари асосига йўналтиришга бўлган турли кучлар ва оқимлар ҳам ҳаракат қилмоқда. Бундай шароитда миллатнинг ўзликни англашини, идентиклик ҳодисасини такомиллаштириш, уни ана шундай хавф-хатардан ҳимоя қилишда аксиологиянинг ролини ошиб бораётганлиги мазкур йўналишда тадқиқотларни ривожлантиришни тақозо этади.

Дунё институтларида глобаллашувнинг авж олаётган шароитида “замонавийлик” билан “анъанавийлик” ўртасидаги мувозанатни йўқолиб бориши жараёнининг юзага келиши, айтиқса замонавийликни миллий заминлар асосига эмас, балки ташқи таъсирлар асосида шаклланаётганлиги оқибатида миллий маданиятимизда юзага келаётган “оммавий маданият”га хос салбий кўринишларнинг олдини олиш эҳтиёжини ошиб бораётганлиги мавзунинг долзарблигини белгилаб беради. Иқтисодда, кишилар онгида, халқимиз маънавиятида рўй бераётган ижобий миллий уйғониш кўп асрлик тарихга, маданий меросга янгича муносабатни шакллантирмоқда. Шу боис жаҳондаги кўплаб тадқиқот марказлари, хусусан, CESS (АҚШ), ESCAS (Англия), IFEAK (Франция), NCEEER (АҚШ) каби илмий тадқиқот институтлари ўз изланишларини фалсафа, этнология, антропология ва этнография каби ижтимоий фанларнинг устувор йўналишлари доирасида олиб боради.

Ўзбекистонда миллий идентикликнинг мураккаб шаклланиш жараёни кечаётган бир даврда аксиологик жиҳатдан ижтимоий, иқтисодий, сиёсий, маданий йўналишларда институционал тизимларда перманент вазият кузатилсада, ижтимоий онгнинг давлатчилик асослари бўлмиш, илм-фан, оила, Ватан ва миллий кадриятларига бўлган муносабатида муайян деструктив силжишлар рўй бераётгани кузатилмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёев таъкидлаганидек, «...илмий тадқиқот ва инновация фаолиятини рағбатлантириш, илмий ҳамда инновация ютуқларини амалиётга жорий этишнинг самарали механизмларини яратиш»¹ да миллий идентикликнинг янги парадигмал шаклининг вужудга келиши тақозо этилмоқда. Инновацион фаолиятнинг социал, институционал

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида» ги Фармони//Халқ сўзи, 2017 йил 17 февраль, №28 (6722).

ва миллий механизмлари жамиятнинг идентиклашуви жараёни ва аксиологик тамойилларининг шаклланишига ҳам тегишлидир.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 25 августдаги ПҚ-451-сон “Миллий ғоя тарғиботи ва маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш тўғрисида”ги, 2017 йил 24 майдаги ПҚ-2995-сон “Қадимий ёзма манбаларни сақлаш, тадқиқ ва тарғиб қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги, 2017 йил 20 апрелдаги ПҚ-2909-сон “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорлари, 2018 йил 25 январдаги ПФ-5313-сон “Умумий ўрта, ўрта махсус ва касб-хунар таълими тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги, 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида” ги фармонлари ҳамда мавзуга оид бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга мазкур диссертация муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Ушбу тадқиқот республика фан ва технологиялари ривожланишининг I. “Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ва маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодиётни шакллантириш” устувор йўналишларига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Ўзбек миллий идентиклигининг аксиологик масалалари мустақил мавзу сифатида фундаментал тарзда республикамизда кам ўрганилган. Аммо, ушбу мавзунини очиқ беришда хизмат қилувчи “миллат”, “миллийлик”, “этнос”, уларнинг келиб чиқиши, тили, дини, маданияти ва аксиологик, идентификацион, миллий бирлик ҳамда миллий ўзликни англаш масалалари маълум даражада ўрганилиб келинмоқда.

Ҳозирги давр жамиятшунослигида “идентиклик” тушунчасининг талқини бир неча ёндашувлар билан ифодаланади. Ижтимоий ҳаётда идентиклик динамик мазмун касб этганлиги боис, мазкур муаммони ўрганувчи тадқиқотчиларни ижтимоий фанлар соҳасида урта гуруҳга ажратиш мумкин. Биринчи гуруҳга “социал идентиклик”ни тадқиқ қилишга алоҳида эътибор қаратувчи олимларни киритиш мумкин. Жумладан, Р.Бернс, М.Фуколар идентикликнинг инсонлар маданий ҳаёти ва турмуш тарзидаги социал муаммоларни ўрганган бўлсалар, Ж.Тернер, К.Хорни, Т.Кунлар “диний идентиклик”ни, Э.Эриксен, М.Мид ва Р.Миллслар «этник идентиклик»ни таҳлил этдилар².

Социологик билимлар тизимида Х.Беккер ва Д.Томсонлар «социал шартнома» таълимотини, идентикликнинг шаклланиб боришини эса Э.Эриксен, К.Мангейм, Хосе Ортега-Гасет, И.Гофман, П.Бурдьё, И.Кон, П.Нора, Т.Шанин каби тадқиқотчилар “авлодлар муаммоси” орқали социомаданий контекстда ўрганишни тавсия қилганлар. МДХ давлатларида

² Ушбу манбалар диссертациянинг адабиётлар рўйхатида келтирилган.

С.Абашин, И.Штейнберг, Н.Лебедева, Г.Солдатова, С.Иконникова, Л.Ионин, Т.Стефаненко, Н.Антонова ва бошқа олимлар ўзларининг илмий тадқиқотларида идентиклик масалаларининг жамиятда ўзликни англаш, ижтимоий-маданий тажриба, маданий-тарихий хотира ва социомаданий мерос бўлиб қолишини таъкидлаб, ижтимоий психологик назарий муаммо сифатида ўрганганлар³.

Миллий ўзликни англаш ҳар доим жамоатчилик диққат марказида бўлиб келган. Аммо, шўролар ҳукмронлиги даврида унга салбий омил сифатида қараб келинган. Унинг у ёки бу миллат ҳаётида қалқиб чиқиши “миллатчилик”нинг намоён бўлиши, “ягона оила”ни барбод қилувчи омил сифатида баҳолаганлар. Истиқлол қўлга киритилгандан кейингина унга миллий тараққиётнинг муҳим омили сифатида қарашлар юзага кела бошлади.

Мустақилликнинг дастлабки йилларидаёқ мамлакатимиз олимлари миллий ўзликни англаш, ривожланишимизнинг турли йўналишларига бағишланган турли мақолалар, рисоалар ва монографияларни нашр қилдилар. Бир қатор номзодлик ва докторлик диссертацияларини химоя қилишди. Ўзбекистонда мустақиллик йилларида миллий ўзликни англаш, миллий менталитет ва миллатлараро муносабатларни ўрганишга бағишланган монографиялар, рисоалар ва илмий мақолалар нашр қилинган. Жумладан, Ф.Абдурахмонов ўз монографиясида мустақиллик шароитида миллий манфаатларнинг ўзига хос қирраларини, Ж.Баҳромов шахс миллий ўзлигини англашнинг қонуниятларини, Н.Назаров, Р.Раҳмонов ва З.Ғафуровлар ҳамкорлигида эълон қилинган рисоаларда миллий анъаналар аҳамияти, Қ.Хонназаров собиқ шўролар даврида “миллат” тўғрисидаги қарашлар ва унга бугунги воқелик назаридан муносабат масаласини очиб берганлар.

Мустақиллигимизнинг дастлабки йилларидан бошлаб бу йўналишда қатор номзодлик ва докторлик диссертациялари химоя қилинганлигини ҳам таъкидлаб ўтиш лозим. Жумладан, С.Атамуродов жамиятни янгилаш жараёнида миллий ўзликни англашнинг ижтимоий-фалсафий жиҳатларини таҳлил қилган, А.Ачилдиев ўзининг номзодлик диссертациясида миллий ўзликни англаш муаммосини, докторлик диссертациясида эса миллий истиқлол ғояси миллатлараро такомиллаштириш омили эканлигини асослаб берган.

Ж.Баҳромовнинг докторлик диссертациясида Мустақил Ўзбекистон давлати сиёсатида шахс миллий ўзлигини англашнинг муаммолари тадқиқ этилган. Шунингдек, ўзбек халқи тарихидаги аксиологик масалаларни очиб беришда ўзбек олимларидан Ж.Туленов, С.Шермухаммедов, С.Мамашокиров, Қ.Назаров, А.Очилдиев, этнологик муаммолар А.Ашуров, жаидчилик тарихи Б.Қосимов, тил ва фалсафасининг ўзаро алоқадорлик тамойиллари Б.Каримов, маънавий қадриятлар тарихи Ш.Қаҳҳорова, идентификацион жараён тадрижи Ш.Мадаева тадқиқотларида ўз аксини

³ Ушбу манбалар диссертациянинг адабиётлар рўйхатида келтирилган.

топди, мазкур диссертация ишини ёритишда ва тарихий талқинини беришда хизмат қилган.

Ундан ташқари МДХ мамлакатлари олимлари томонидан ҳам ушбу мавзуга бағишлаб, бир қатор монография ва илмий мақолалар эълон қилинган. Жумладан, Р.Абдулатипов инсон, миллат ва жамият муносабатларини, В.Амекин Марказий Осиё давлатларида XX асрнинг 80-йиллар охирлари ва 90-йиллар бошларида юз берган миллатлараро низоларни, П.Гумилев халқшунослик тизимида миллат, унинг ривожланиши билан боғлиқ омилларни, Е.Овлиткулиев, А.Пўлатов, З.Синевичлар демократиянинг тараққиёт жараёнида миллий муносабатларда юз берадиган ҳолатларини, миллий ўзликни англашнинг ижтимоий-фалсафий таҳлилини, шунингдек, XX асрнинг интиҳосига келиб дунёда миллий омилнинг ўрни ва роли каби масалаларни очиб берганлар⁴.

Уларнинг мақолалари ва монографияларида миллий ўзликни англаш мавзуси миллатлараро муносабатлар ривожланишининг янги, суверен давлатлар пайдо бўлишидан кейин юзага келган кўринишларини у ёки бу минтақадаги хусусиятларининг таҳлили мисолида ўрганилган. Албатта, уларда ишлаб чиқилган илмий хулосалар ва илгари сурилган ғоялар миллий идентикликнинг ривожланиши жараёнини чуқур ўрганишда методологик аҳамиятга эгадир.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг нутқлари, идентикликнинг тарихий мезонларига таянган ҳолда, идентикликнинг замонавий қиёфасини шакллантириш ҳақида ўз фикр-мулоҳазалари мазкур тадқиқотга илмий-методологик асос бўлиб хизмат қилди⁵.

Тадқиқотни амалий талқинини очиб беришда ўзбек миллий идентиклигининг бугунги кундаги аҳволи ва муаммолари ҳақидаги маълумотларни Республикамизнинг турли вилоятларидан олинган оғзаки сўров материаллари ҳам айнан миллий идентиклигини ривожлантиришда аксиологик аҳамиятини очиб беришда қўл келди десак муболаға бўлмайди. Бунда вилоят ва туман ҳокимияти вакиллари, маҳалла оқсоқоллари, ўрта махсус таълим билим юртлари педагог ўқитувчиларидан олинган интервьюлар диссертация ишини мазмунини янада бойитишга хизмат қилган.

Мазкур адабиётлар ва тадқиқот натижаларида аксиология ва миллат, миллийлик масалалари алоҳида ўрганилган бўлсада, Ўзбекистонда ижтимоий-гуманитар фанлар, хусусан фалсафа тарихи соҳасида миллий идентиклик ва аксиология соҳаси ўзаро уйғунликда тадқиқ қилинган ишлар мавжуд эмас. Зеро, бу бугунги куннинг долзарб муаммосидир.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилаётган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги. Диссертация Ўзбекистон Миллий университети илмий тадқиқот ишлари режасининг

⁴ Ушбу манбалар диссертациянинг адабиётлар рўйхатида келтирилган.

⁵ Мирзиёев Ш.М. Эркин ва фаровон, демократик Ўзбекистон давлатини биргаликда барпо этамиз / Ўзбекистон Республикаси Президенти лавозимидаги киришиш тантанали маросимида бағишланган Олий Мажлис палаталарининг қўшма мажлисидаги нутқ. – Тошкент: Ўзбекистон, 2016. - Б.56.

“Фалсафа тарихининг замонавий, назарий-методологик муаммолари” мавзуси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади ўзбек миллий идентиклиги шаклланишидаги аксиологик тамойиллар ва қонуниятларнинг фалсафий-концептуал таҳлилини очиб беришдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

ўзбек халқи тарихида ижтимоий-сиёсий жараёнларда амал қилган “миллий идентиклик”, “миллий идентификация” тушунчаларининг мазмунини аксиологик тамойил нуқтаи назаридан ўрганиш;

ўзбек миллий идентиклигининг тарихий тараққиёт қонунияти аксиологик тамойиллар билан мутаносиб шаклланганлигини зардуштийлик, ислом дини мисолида аниқлаш;

миллий идентиклик атрибутиви сифатида миллий урф-одат, маросим, кадриятлар эканлигини исботлаш;

миллий идентиклик аксиологик қонуниятлар асосида миллий давлатчиликни шакллантирувчи жараён эканлигини очиб бериш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида ўзбек миллий идентиклиги аксиологик тизимини ташкил этувчи дин, урф-одат, кадриятлар, миллий менталитет белгилаб олинган.

Тадқиқотнинг предметини ўзбек миллий идентиклиги аксиологик тамойил ва қонуниятларини ўрганиш ташкил этган.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқот жараёнида қиёсий таҳлил, контент таҳлил, тизимли таҳлил, фрейминг, герменевтика каби усуллардан фойдаланилди.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

ўзбек халқи тарихида ижтимоий-сиёсий жараёнларда амал қилган миллий идентиклик, миллий идентификация тушунчалари аксиологик тамойил нуқтаи назаридан асосланган;

ўзбек миллий идентиклигини тарихий тараққиёт қонунияти аксиологик тамойиллар билан мутаносиб шакллангани зардуштийлик, ислом дини мисолида далилланган;

миллий урф-одат, маросим, кадриятлар миллий идентикликнинг атрибутив жиҳатлари эканлиги илмий исботланган;

миллий идентиклик аксиологик қонуниятлар асосида миллий давлатчиликни шакллантирувчи жараён эканлиги очиб берилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари: миллий идентиклик динамикасининг истиқболдаги ҳолатини аниқлашга қаратилган “Ўзбек халқининг миллий идентиклиги” номли социологик тадқиқот дастури ва сўровномаси ишлаб чиқилган;

социологик тадқиқот натижалари асосида жамият тараққиётининг инновациялашуви шароитида миллий идентиклик жараёнларининг мониторинги амалга оширилган;

жамият ҳаётининг иқтисодий, маданий-сиёсий, маданий соҳаларидаги янги ривожланиш босқичида миллий идентикликни таъминлаш мақсадида

давлат органлари ва фуқаролик жамияти институтларининг ўзаро ҳамкорликдаги фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича таклифлар ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги республика ва халқаро миқёсидаги илмий конференция материаллари тўпламлари, ОАК рўйхатидаги махсус журналлар ҳамда хорижий илмий журналларда чоп этилган мақолалар, хулоса, таклиф ва тавсияларнинг амалиётда жорий этилгани, олинган натижаларнинг ваколатли ташкилотлар томонидан тасдиқлангани билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти шундаки, таълим муассасаларида ўзбек миллий идентиклигини фан ва ўқув курсларининг тегишли мавзулари доирасида ўқитиш, ўқув қўлланма ва дарсликлар тайёрлашда фойдаланиш мумкин.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти шундаки, ундаги таклиф, тавсиялардан ўзбек миллий идентиклиги аксиологик тамойилларини ҳозирги замон таълим тизимига мувофиқлигини аниқлашга қаратилган ижтимоий-сиёсий, маданий-маърифий тадбирлар, социологик сўровномаларни ўтказишда, оммавий ахборот воситалари тизимида, радио эшиттиришлар, таҳлилий телекўрсатувлар тайёрлашда фойдаланиш мумкин.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Ўзбек миллий идентиклиги аксиологик тамойил ва қонуниятларига фалсафий концептуал ёндошувини ўрганиш бўйича ишлаб чиқилган таклифлар асосида:

Ўзбек халқи тарихида ижтимоий-сиёсий жараёнларда амал қилган миллий идентиклик, миллий идентификация тушунчаларининг мазмуни аксиологик тамойил нуқтаи назаридан очиқ берилганлигига оид хулосалардан “Ўзбек миллий идентиклиги” номли социологик сўровномада фойдаланилган. (Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2019 йил 11 ноябрдаги 01-11-сон маълумотномаси.) Олинган натижалар талаба ёшларнинг ўзбек миллий идентиклигининг намоён бўлишида анъана ва қадриятларнинг нечоғли аҳамиятли эканлигини англашга хизмат қилган;

ўзбек миллий идентиклигини тарихий тараққиёт қонунияти аксиологик тамойиллар билан мутаносиб шакллангани зардуштийлик, ислом дини мисолида илмий асосланганлигига оид хулосаларидан Олий таълим муассасалари тасарруфидаги академик лицей педагог кадрларини малакасини ошириш маркази курсларининг “Олий таълим муассасалари педагог ва раҳбар кадрларини қайта тайёрлаш, малакасини ошириш” қўлланмаларини ишлаб чиқишда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2020 йил 7 январьдаги 89-03-86-сон маълумотномаси.) Олинган натижалар олий таълим тизимида кадрларни тайёрлашни ривожлантиришда ўзбек миллий идентиклиги ва аксиологик қонуниятларининг шаклланишига хизмат қилган;

миллий урф-одат, маросим, кадриятлар миллий идентикликнинг атрибутив жиҳатлари эканлигига оид илмий-амалий натижаларидан Олий ва ўрта махсус таълим вазирининг 2019 йил 2 ноябрдаги 1023-сонли буйруғи билан тасдиқланган “Олий таълим муассасалари педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва малака ошириш курси”ни ташкил этишда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги хузуридаги олий таълим тизими педагог ва раҳбар кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини оширишни ташкил этиш Бош илмий методик маркази 2020 йил 6 январдаги 01-04 сон маълумотномаси.) Натижада, педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш курсларининг ўқув-услубий таъминотини бойитиш ҳамда ўқитиш сифатини оширишга эришилган;

миллий идентиклик аксиологик қонуниятлар асосида миллий давлатчиликни шакллантирувчи омил эканлигига оид хулосалардан Республика Маънавият ва маърифат марказининг “Ёшлар маънавий камолотида илмий ва диний кадриятлар уйғунлигини таъминлашнинг янгича инновацион технологияларини тарғиб этиш” номли илмий-амалий лойиҳасини ташкил этишда фойдаланилган (Республика Маънавият ва маърифат маркази 2020 йил 15 октябрдаги 030/7-878-сон ва марказнинг Шайхонтохур туман бўлинмасининг 2020 йил 5 июндагаги 01-01/44-сон маълумотномаси). Натижада, ёшлар маънавий камолотида дунёвий ва диний кадриятлар уйғунлигини таъминлашнинг инновацион ғояларни шакллантиришга хизмат қилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот натижалари 13 та республика ва 4 та халқаро анжуманларда илмий-амалий ва илмий-назарий кўринишда апробациядан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси натижалари бўйича жами 17 дан ортиқ илмий ишлар чоп этилган. Улардан: ОАК рўйхатида келтирилган журналларда чоп этилган 6 та илмий мақола, чет эл журналларида чоп этилган 2 та илмий мақола, илмий-амалий конференцияларда 7 та маъруза ва тезислар, шундан 2 таси халқаро илмий-амалий конференциялар нашрларида чоп этирилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш қисми, 8 та параграфдан иборат бўлган учта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Ишнинг ҳажми 150 бетни ташкил этади. Диссертация ишида манба ва адабиётлардан фойдаланилган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Ишнинг **Кириш** қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги асосланган, муаммонинг ўрганилганлик даражаси баён этилган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, шунингдек, объекти ва предмети аниқланган, тадқиқот ишининг фан ва технологияларни ривожлантиришнинг муҳим йўналишларига мослиги кўрсатилган ҳамда тадқиқотнинг илмий янгилиги, натижаларнинг ишончлилиги, назарий ва амалий аҳамияти,

натижаларнинг амалиётга жорий этилиши, эълон қилинганлиги, ишнинг тузилиши борасида маълумотлар киритилган.

Диссертациянинг биринчи боби “**Ўзбек миллий идентиклигини таҳлил этишнинг назарий-методологик масалалари**” деб номланиб, унда миллий идентиклик тушунчасининг мазмун моҳияти, уни ўрганилишидаги назарий манбалар; миллий идентиклик ва аксиология муаммосининг узвий боғлиқлик жиҳатларининг назарий методологик таҳлили, ўзбек идентиклигининг аксиологик жиҳатларини ўрганишда дискурсив ёндашув тўғрисида сўз юритилган.

Миллий идентикликдаги аксиологик қадриятлар тизимини ўрганишда ижтимоий-гуманитар, фалсафа тарихи соҳаларида Ғарб ва Шарқ олимлари илмий изланишларидан фойдаланилди. Айнан идентиклик атамаси остида Ғарб тадқиқотчилари XX аср давомида ва XXI аср бошларида катта миқёсда тизимлашган тадқиқотларни олиб боришган⁶. Бу тадқиқотларда идентиклик ва қадриятлар кўпроқ миллий давлатчиликни ташкил этиш асоси сифатида олиб қаралади⁷. Ўзбекистон ижтимоий-гуманитар фанларида идентификация, идентиклик, миллий идентиклик муаммолари ниҳоятда кам ўрганилган масалалардан бири бўлиб ҳисобланади. Ўзбек ижтимоий фанларида идентиклик атамаси аксарият ҳолларда, хусусан, С.Отамуродовнинг “Глобаллашув ва миллат” асарида айнан идентиклик контекстида қўлланилмасда, анъана, қадрият, миллий маънавият сифатида олиб чиқилади⁸. Маҳаллий тадқиқотчи Ш.Қаҳҳорованинг “Глобал маънавият-глобаллашувнинг ғоявий асоси” номли китобида идентиклик миллий маънавий илдизлар маъносида миллат ва глобал тараққиётни боғловчи механизм сифатида олиб қаралган⁹. Идентиклик ва аксиологияни боғлиқликда ўрганишга бўлган эҳтиёж ниҳоятда тез суръатлар билан ошиб бормоқда. Ш.О.Мадаеванинг “Идентиклик антропологияси” китобида ушбу масалаларнинг назарий-методологик тадқиқи амалга оширилган, тарихий-ретроспектив тизим остида ўрганилган¹⁰. Идентикликдаги аксиологик жиҳат идентиклик ҳосил қилишдаги феноменал асос бўлгани учун, бизнинг тадқиқотимизда ушбу илмий объект идентиклик ва аксиологик тизим алоқадорлигида олиб ўрганилган. Шунингдек, миллий идентиклик тушунчаси мазмун моҳиятини ёритилиши, унга берилган таърифимизда “миллий идентиклик – бир миллат тарихий ривожланиш жараёнидаги ижтимоий, иқтисодий, сиёсий, маданий, аксиологик жараёнларнинг миллий ўзлиқни англашда ўз-ўзига айнанлашувчи тизими, белгилари, усули, репрезентатив хусусиятларидир”. Таърифимиз миллий идентикликнинг

⁶ Эриксон Э. Идентичность: юность и кризис. -М.: Флинта, МПСИ, Прогресс, 2006.

Anderson, B. Imagined Communities. Reflections on the Origin and Spread of Nationalism . - London: Verso, 1983.

Barth, F. Ethnic Groups and Boundaries . - Oslo: Bergen, 1969. Brubaker, R. Ethnicity without Groups. Cambridge: Harvard University Press, 2002.

⁷ Геллнер, Хрок и др.. Нации и национализм.-М: Прогресс. 1991.

⁸ Отамуродов С. Глобаллашув ва миллат, -Тошкент: Янги аср авлоди. 2008.

⁹ Қаҳҳорова Ш.Б. Глобал маънавият глобаллашувнинг ғоявий асоси,-Тошкент: Тафаккур, 2009.

¹⁰ Мадаева Ш.О. Идентиклик антропологияси, -Тошкент: Нишон ношир, 2015.

умумий хусусиятидан келиб чиқиб берилган ва аксиологик тизим ўз-ўзидан идентиклик феноменининг ташкил этувчи атрибутларидир.

Миллий ўзликни англашдаги қадриятий тизимни сақлаб қолишда тарихий хотира муҳим аҳамиятга эга. Зеро тарихий хотира миллатнинг онгли фаолияти давомида яратилган маънавий салоҳиятининг ажралмас қисми бўлиб, миллатнинг ўтмишни билиши, уни қадрлаши, ундан сабоқ ола билиш даражасини англаувчи тушунчадир.

Тарихий хотира миллатнинг онгли фаолияти давомида юзага келади ва унинг ижтимоий онг юксалиши жараёнида авлоддан-авлодга мерос бўлиб ўтади. Ўз тарихий хотирасини сақлаб қола олмаган, уни кейинги авлодга етказишга салоҳияти етмайдиган миллатнинг келажаги ҳам бўлмайди. Чунки хотира миллат келажаги учун ўтмишдаги ҳаётий тажрибадан сабоқ берувчи муҳим манба ҳисобланади. Худди ана шу манбавийлик имконияти миллий идентикликка куч бағишлаб туради. Ҳар бир миллатнинг тарихий хотираси мустаҳкам, уни авлоддан-авлодга ўтказишга салоҳияти кучли бўлса, унинг ғоясида миллий руҳият ҳам мустаҳкам бўлади ва ўзлигини асраб яшайди.

Миллий идентиклик миллатга мансубликни ҳис қилиш, унинг тарихини, урф-одат, анъана, қадриятларини тизимлашган ҳолда англашда намоён бўлади. Миллий маданий ўзига хослик – бу миллат бўлишнинг динамик тарихий сифати.

Миллий идентификация жараёнида аксиологик тизим миллатнинг шаъни, кадр-қиммати, обрў-эътибори поймол этилганда ёки миллатнинг манфаатларига зарар келтирадиган ҳолатлар бошланиб кетган вақтда яққол сезилиб, миллатни жипслаштирувчи, бирлаштирувчи куч вазифасини бажаради. Бундай ҳолатда миллатнинг барча вакиллари иқтисодий аҳволдан ва қандай мансабни эгаллашидан қатъи назар, миллат олдида турган мақсад ва манфаатлар умумийлигини англаш асосида бирлашадилар.

Миллий идентификация миллат вакилларининг ҳис-туйғуларида, ҳаракатларида, психологиясида, иймон-эътиқодида, ўз миллатининг моддий ва маънавий қадриятларига муносабатида, Ватан тақдири ҳақидаги орзу-ҳавасларида ўз ифодасини топади. Яъни миллий ўзликни англаш одамларнинг онгида намоён бўладиган руҳий ҳолатдир. Шунга кўра у миллатнинг, миллий давлатнинг моддий, маънавий манфаатларини ҳимоя қилишда ва ривожлантиришда ҳаракатга келувчи, миллатни ана шу мақсадлар йўлида ҳаракатга келтирувчи, бирлаштириб турувчи ички маънавий-руҳий куч бўлиб хизмат этади.

Миллий ўзликни англаш миллат тараққиёти жараёнида ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий, маданий-маърифий соҳалардаги муаммоларни ҳал этишда миллатни фаол ҳаракатга сафарбар этувчи ва уюштириб турувчи омилдир.

Миллий идентиклик ўзагида ётган аксиологик тизим миллатнинг барча шакл ва кўринишидаги манфаатларини ифодалаш ёки ҳимоя қилиш билан чекланиб қолмасдан, миллатнинг мавжудлигини таъминлаб турувчи мустаҳкам пойдевор вазифасини ўтайди. У Она тилга, Ватанга, анъана, урф-

одатларга, миллатнинг турмуш-тарзига, маданиятига содиқ қолиши, ҳар қандай шароитда ҳам уни тарк этмаслиги, Ватан мустақиллиги учун жон фидо қилишга тайёр бўлишини онг орқали таъминлайди. Жаҳонда нотинчлик ҳукмронлик қилаётган бир пайтда ҳар бир миллат вакили турли экстремистик кучлар, диний фундаментализм ва бошқа зарарли ғоялар таъсиридан огоҳ бўлиши айниқса, ўсиб келаётган бугунги авлодни бу ёт таъсирлардан ҳимоя қилиш, мамлакатда мавжуд бўлган барча соғлом кучларни бундай ёвуз кучларга қарши туриш учун умуммиллий акс таъсирни вужудга келтириш зарурлигини англайди.

Юқорида келтирилган воситаларнинг ҳар бирини миллий ўзликни англашнинг асосий жиҳатларини ўз ичига олиб, унинг мазмунини ташкил этади, лекин унинг барча томонларини қамраб ололмайди. Чунки миллий ўзликни англаш шундай жараёнки, у миллат тараққиётининг ҳар бир босқичида унинг мазмуни кенгайиб, аҳамияти ортиб боради.

Миллатнинг ижтимоий йўналганлиги ва аксиологик тизими моҳиятининг бирлашиши, миллат фаолиятининг асосий мақсади ва эътиқодига айланиши натижасида миллий идентиклик шаклланади.

Диссертациянинг **“Ўзбек миллий идентиклигидаги аксиологик тамойилларнинг шаклланиш хусусиятлари (тарихий-фалсафий таҳлил)”** деб номланган иккинчи бобида ўзбек халқи тарихида исломгача бўлган даврдаги идентиклик хусусиятлари; илк Ўрта аср ва Ўрта аср Шарқ фалсафасининг ўзбек миллий идентиклигининг аксиологик асосига таъсир қилган жиҳатлари, жаҳид миллий демократик таълимотида ўзбек халқи идентиклиги ва аксиологик тамойилларнинг синтезлашуви қонуниятлари ифодаси ёритилган.

Ўзбек миллий идентиклиги тизимини аксиология асосларни яратган Ғарб олимлари Г.Виндельбанд, Г.Риккерт, В.Дильтей, М.Вебер таълимотлари назарияларига асосан ўрганиш мураккаб жараён бўлиб, бу мураккаблик юқорида номлари қайд этилган олимларнинг ёндошувларидаги фарқ нуқтаи назаридан келиб чиқади. Лекин бу ёндошувларни умумлаштирувчи мезон аксиологик тизимда идеал борлиқ тушунчасини ҳосил қилувчи тамойиллардир. Унга кўра онтологик борлиқни англашдаги аксиологик дунёқарашда идеал макон тушунчаси асосий категория бўлиб, ўзбек халқи тарихидаги этник дунёқараш шаклида идеал макон реал ҳудудий чегара, Ватан, ер тушунчаси билан чамбарчас боғлиқ. Ўзбек халқи тарихида исломгача бўлган даврдаги идентификацион хусусиятлар қадимий ва ўлмас маданий қадриятлар асосида шаклланган бўлиб, дунёни аксиологик англаш тизимида ислом динигача этник онгда ўзини англаш жараёни борлиқни ўз “мен”и билан уйғунликда деб билиш ва бошқа этик ва эстетик қадриятларни ана шу тизимга йўналганлигини кўриш мумкин. Бу қонуният бой халқ оғзаки ижоди намуналари, туркий, зардуштий ёзма битиклар, Алпомиш, Гўрўғли туркумидаги дostonлар, “Тоҳир ва Зухра”, “Ошиқ Ғариб ва Шоҳсанам” дostonларида ўз аксини топган. Широқ, Тўмарис, Кунтуғмиш каби афсоналар, беҳисоб ҳикоялар, матал-масаллар, топишмоқ кўшиқ каби тилдан

тилга ўтиб келаётган меросимизда дунёни ўзи туғилиб ўсган ер нуқтаи назаридан қадрият деб тушуниш, қадриятлар тизимининг бошқа жиҳатларини Ватан тушунчаси атрофига қуришни кўрамиз.

Ўзбек идентиклиги тарихида дунёни территориал англаш юрт, Ватан, максан, Она Ер тушунчаси билан боғлансада, одамлар борлиқ тўғрисида ўйлаганларида, афсона, ҳикоят ёки дostonларда оламнинг қадри, унинг чексизлиги, коинот ва одамзод алоқалари, инсон умрининг маъноси, мазмуни, мақсади ҳамда ботирлик, оқиллик, ҳокисорлик, яхшилик, вафодорлик, ватанпарварлик каби қадриятларга изоҳ берганлар, ҳатто, уларнинг баъзиларини илоҳийлаштирганлар.

Қадимги битик – тошларга битилган ёзувлар гарчи миллоддан олдинги 8-асрга оид бўлса-да, лекин уларда халқимиз тарихининг уч минг йиллик даврига оид тасаввурлари тафаккури, турмуш тарзи, орзу-умид ва интилишлари, қадрият ва анъаналари, ижтимоий-сиёсий, фалсафий-ахлоқий, диний, бадиий қарашлари, умуман, тарихий ва маънавий хотираси ўз аксини топган. Қадриятлар муаммосининг фалсафий-тарихий таҳлили заминимизда яратилган қадимги нақллар, ривоятлар, афсона, ҳикоят, дostonларга, яъни халқ оғзаки ижоди намуналарига бориб тақалади. Маълумки, исломгача бўлган давр, яъни араблар истилосига қадар, Марказий Осиёда зардуштийлик, будда, христиан ва монийлик динлари мавжуд бўлиб, улар орасида кенг тарқалгани зардуштийлик эди. Авестошунос Ольденбургнинг фикрича, “...зардуштийлик ўтмишдаги динлар ичида, инсоннинг ер юзида фаровон яшашга катта аҳамият берган, энг оқилона диндир”. Ушбу диннинг асосчиси Зардушт бўлиб, у яшаган ва “Авесто” китоби ёзилган даврда Марказий Осиёда аҳолининг асосий қисми ўтроқ ҳаётга, деҳқончилик ва ҳунармандчиликка ўта бошлаган, кўчманчи чорвачиликка эътибор кучайган, қадимги шаҳарлар ва деҳқончилик вилоятлари (Сўғдиёна, Марғиёна, Бактрия, Парфия, Хоразм)нинг шаклланиш жараёни кучаётган пайт эди. Ватанимизнинг халқлари ҳаётида юз бераётган бу ижтимоий ўзгаришлар унинг тараққиёт йўлига ғов бўлаётган мафқурани янгилаши, янги жамият талабларига жавоб бера оладиган диний ислоҳотларни амалга оширилиши талаб этиларди. “Авесто”да ана шу ислоҳий талаб ўз ифодасини топган. Қолаверса, бу ўша давр инсонлар онгида идентификацион хусусиятларнинг куртак очишига замин яратган.

“Авесто” зардуштийликнинг муқаддас китоби бўлганлигидан, унда бу диннинг қадриятлар тизими ўз ифодасини топган. Шу билан бирга китобда умуминсоний қадриятларга, уларнинг инсон маънавияти ва амалий фаолияти учун аҳамиятига катта ўрин берилган. Асарда яхшилик, баркамоллик, ҳурфикрлик, инсонпарварлик каби хислатлар Ахурамазда қиёфаси орқали кўрсатилган. Китоб муаллифларидан бири Заратуштра (Зардушт) фикрича, одамлар яхшилик, ёруғлик кучларига эргашиши, яхшиликни ёмонликдан, адолатни ҳақсизликдан фарқлаб олиши, ҳаёти давомида Ахурамазда томонида бўлиши лозим. Инсоннинг бу жараёндаги қадри эса, яхшиликнинг

ғалабаси учун курашда бефарқ турмаслигида, яшаш тарзида, маънавий киёфасида, ижтимоий фаолиятида ўз ифодасини топади.

Илк Ўрта аср ва Ўрта аср Шарқ уйғониш даврининг ўзбек идентиклигига таъсири ва унинг аксиологик жиҳатларда акс этиши тамойиллари таҳлили ҳам мазкур бобда ўрин олган. Марказий Осиёда қадриятлар тўғрисидаги қарашлар ривожидан VIII-XII асрлар катта аҳамиятга эга. Бу даврда араб истилоси амалга оширилган, ислом расмий ҳукмрон динга айланган, ислом феномени остида Яқин Шарқ ва Марказий Осиёда ягона тизим остида уйғониш даври жараёни вужудга келди.

Шу билан бирга исломнинг юртимизда тарқалиши ва араб итилоси даврида кўпгина миллий қадриятлар ислом дини билан синкретлашуви юз берди. Бу тўғрида Беруний “Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар” асарида маълумот беради. Шунингдек, алоҳида таъкидлаш керакки, ватанимиз цивилизациясининг қадриятлари араблар дунёси маданиятининг ривожига ҳам катта акс таъсир кўрсатганлиги шубҳасиз. Хоразмий, Форобий, Беруний, Ибн-Сино, Улуғбек каби мутафаккирлар, ал-Бухорий, ат-Термизий, Кубро, Ахмад Яссавий, Нақшбанд каби илоҳиёт илмининг забардаст алломалари, Лутфий, Навоий, Бобур, Бедил, Машраб каби зотларнинг камолотида нафақат ислом, балки цивилизациямиз маданияти ва қадриятларининг таъсири беқиёс. Ислом дини юртимизга кириб келганидан кейинги даврларда ички урушлар нисбатан барҳам топган, ижтимоий ҳаётда нисбатан барқарорлик ҳукм сураётган эди. Бу нисбий барқарорлик даврида маданий ривожланиш, илм-фан ҳамда адабиётнинг тараққиёти учун имконият очилди. Ўша давр буюк мутафаккирларидан бири Мухаммад ал-Хоразмий халифа ал-Маъмун ташкил қилган “Байтул ҳикма”да катта мавқега эга бўлган. У илгари сурган ғояларда қадриятларнинг умуминсоний жиҳатлари изоҳланган¹¹. Шарқ маданияти тарихида муҳим ўрин тутган Абу Наср Форобийнинг қадрият тўғрисидаги фикрларини “Мадина ал-фозила” таълимотида яққол кузатиш мумкин. Қомусий олим сифатида Форобий таълимотида юксак ғоялар, адолатли ижтимоий муносабатлар қарор топган даврда вужудга келадиган маънавий-ахлоқий қадриятларнинг умумий тизимини изоҳлаб берган. Форобий бундай жамиятда диний қадриятлар ҳам муайян аҳамиятга эга бўлишини, аммо унда калом (теология) ва фикх (ҳуқуқшунослик) вакиллари кишиларнинг маънавий-ахлоқий камолоти учун жавоб берадиган соҳаларни бошқаришлари, ижтимоий муносабатларнинг асосий соҳалари эса файласуф-ҳукмдорлар томонидан бошқариб борилишини таъкидлайди. Мутафаккир диний қарашлар ғоявий соҳада энг асосий аҳамият касб этган ўша даврда, инсон, жамият ва илм-фан қадриятларини фалсафий билимларнинг асосий мавзуларидан бири сифатида қарай олган дастлабки Шарқ файласуфларидан бири бўлди.

Абу Наср Форобийнинг ғоялари Ўрта аср Шарқ фалсафаси алломаси Алишер Навоий таълимотида ривожлантирилди. Унга кўра, дунёни пантеистик англашда инсон энг олий қадрият сифатида майдонга чиқди.

¹¹ Файзуллаев А.Ф. Научное творчество Мухаммеда ал-Хоразми.-Т.:Фан. 1983 й.

Жадид миллий демократик таълимотида миллий идентиклик ва аксиологиянинг асосий жиҳатлари миллатни асраб қолиш, бунинг учун жамиятда илм-фан, таълим, маърифатпарварлик идеалини қадрият сифатида тарғиб қилишдан иборат бўлди. Жадидлар ўз даври ва имкониятига кўра прогрессив фикр ва таълимот орқали миллий бирлик ва жамиятни асраб қолувчи ғояларни тақдим этар эканлар, уларда кўпроқ халқ онгида қотиб қолган стереотипларни йўқотиш ҳамда миллатни қадрият мақомидаги тушунча сифатида ёндошиш, уни асраш учун тафаккур маданиятини ўзгартириш харакатини олиб бордилар.

Диссертациянинг **“Глобаллашув даврида аксиологик тамойиллар трансформацияси”** деб номланган учинчи бобида мустақиллик даврида ўзбек идентиклиги ва ундаги аксиологик тизимнинг янги парадигмал шаклда намоён бўлиш қонуниятлари; Замоनावий Ўзбекистонда глобаллашув жараёнида миллий ўзликни сақлаб қолиш зарурияти тўғрисидаги тадқиқот иши олиб борилган.

Тадқиқот ишининг ушбу бобида ўзбек халқининг умуминсоний ва миллий менталитетидаги хусусиятлар, ўзбекларнинг ижтимоий-маданий ҳаётидаги фалсафий негизлар, миллий ўзликни англашга бўлган истак ва майллари, аҳолининг миллат сифатида ўзаро муносабатларга киришишдаги монандлиги, тарихий ва фалсафий жиҳатдан идентикликни намоён этиш хусусиятлари таҳлил этилади.

